Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 10 сентябрь, шанба • № 74 (11.773) • Эркин нархда сотилади

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 сентябрь куни Оқсаройда Европа Иттифоқининг (ЕИ) Марказий Осиё бўйича махсус вакили Ян Кубишни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар 1996 йили Италиянинг Флоренция шаҳрида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга асосланади. Бугунги кунда ЕИ Ўзбекистонни ўзининг Марказий Осиёдаги муҳим шериги деб билади.

Европа Иттифоқи халқаро ҳамжамиятни ташвишга солиб турган таҳдидларни бартараф этишда ҳамжиҳатлик муҳимлигини эътиборга олиб, террорчилик ва экстремизмга, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашда, шунингдек, чегара ва божхона хизматларининг фаолиятини такомиллаштиришда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Ҳозир ЕИнинг тегишли хизматлари «Ҳизб-ут-Таҳрир»ни халқаро террорчилик ташкилотлари рўйхатига киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон таклифини ўрганиб чиқмоқда.

Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш икки томон учун ҳамиша устувор аҳамиятга эга. 2004 йили ўзаро савдо ҳажми 10,6 фоиз ўсиб, 1 миллиард 429 миллион АҚШ долларини ташкил этган. 2005 йилнинг январь-июль ойларидаги кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сал кам 8 фоиз ошган.

Таъкидлаш жоизки, кўрсаткичлар йилдан-йил ортаётганига қарамай, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами имкониятлар даражасида, деб бўлмайди. Мутахассислар буни бир неча сабаб билан изоҳлашади. Хусусан, Европа маҳсулотларининг рақобатбардошлиги пасайиб бормоқда, уларни Марказий Осиёга экспорт қилишни рағбатлантирувчи молиявий механизмлар тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Мана шу сиёсий ва иқтисодий омилларни инобатга олиб, Европа Иттифоқи Марказий Осиё бўйича махсус вакил лавозимини таъсис этди. Бу лавозимга узоқ йиллар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби вазифасида ишлаган, Марказий Осиё минтақасини, бу ердаги муҳит ва шароитни яхши биладиган тажрибали сиёсатчи ва дипломат Ян Кубиш тайинланди.

Учрашувда Я.Кубишнинг махсус вакил этиб тайинланиши Европа Иттифоқи билан Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Меҳмон самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Европа Иттифоқининг (ЕИ) Марказий Осиё бўйича махсус вакили Ян Кубиш раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВАКИЛИНИНГ ТАШРИФИ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон-ЕИ муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболи хусусида сўз борди. Томонлар парламентлараро алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжуд эканини қайд этиб, истиқболда бу йўналишдаги ҳамкорликни янада жадаллаштириш, Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги алоқалар ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан ҳам фикрлашиб олдилар.

ЎзА.

СУРАТЛАРДА: механизатор Абдуаҳад Жалилов ўз ишидан мамнун; дефолиация жараёни.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ЯКУНИЙ ПАЛЛАГА КИРДИ

Вилоятимизнинг бир қатор ширкат ва фермер хўжаликларида ғўза баргини сунъий тўктириш ишлари якуний паллага кирди. Дефолиациянинг ўз вақтида, оби-тобида ўтказилиши ҳосилни тезда йиғиб-териб олиш имконини берибгина қолмай, хом ашё сифати ва салмоғининг ошишини таъминлайди.

Бўка туманидаги Ғаффор Азаматов номли ширкат хўжалиги пахтакорлари 805 гектар майдонда қимматбаҳо хом ашё етиштирдилар. 130 нафар пудратчининг ҳар бири ҳосилдорликни камида 35 центнерга етказишни кўзлаган.

Албатта, бунинг учун етарли асослар бор. Хусусан, айни паллаларда энг долзарб агротехник тадбир — дефолиация қисқа муддатда ниҳоясига етказилди. Хўжалик экин майдонларида кунига 2 та ОВХ-28 агрегатлари юқори унум билан ишлатилди.

Хўжалик деҳқонлари теримни 18 иш кунида ниҳоялашни мақсад қилишган.

ИЖТИМОИЙ-ТИББИЙ ТАДҚИҚОТ ЯКУНЛАРИ

«Экосан» халқаро ташкилотида Тожикистон алюминий заводининг салбий таъсири сезилаётган Сурхондарё вилоятида иш олиб борган саломатлик поездининг фаолияти якунларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда сайёр шифокорлар бригадаси аъзолари, бир қатор вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот институтлари вакиллари, эколог олимлар, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Сурхондарё вилоятида, айниқса, қўшни Тожикистон билан чегарадош. Узун, Сариосиё ҳамда Денов туманларида юзага келган ижтимоий-экологик вазиятни инобатга олиб, «Экосан» халқаро ташкилоти шу йил август ойида минтақа аҳолисини комплекс тиббий кўрикдан ўтказиш мақсадида тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган мазкур поезд ҳамда юқори малакали шифокорлар бригадасини юборган эди. Ўттиз кун мобайнида 7 минг нафардан зиёд аҳоли комплекс тиббий кўрикдан ўтказилди.

Саломатлик поезди шифокорлари томонидан вилоятда 1480 та лаборатория таҳлили, 493 та электрокардиограмма, 5878 та тадқиқот, 309 та флюография текшируви ўтказилиб, 5880 кишига тиббий маслаҳат берилди, 4325 нафар бемор қабул қилинди. Шунингдек, кўрик жараёнида аҳоли орасида эндокрин, тери-таносил, буйрак ва жигар хасталиклари, кўз ожизлиги ва хиралиги, болалар орасида камқонлилик, аёлларда эса, турли касалликлар, айниқса, гўдакларнинг туғма касаллик билан туғулиши кузатилган.

Учрашувда мутахассислар юзага келган кескин экологик вазиятни бартараф этиш муаммолари хусусида атрофлича фикрлашиб олдилар.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ЮКСАЛИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ОМИЛИ

Тошкент вилояти жаҳондаги 71 мамлакат билан ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширмоқда

«Ўзметаллтехноложи» қўшма корхонасида эритилаётган молибден Шимолий ва Жанубий Америка, Ғарбий Европа, Осиё мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Мана, уч йилдан ошдики, бу қўшма корхона шундай аниқ тартибда ишлаяпти. Унинг ишлаб чиқариш кўлами муттасил кенгайиб бораётир. Бу тадбиркорлик, мамлакат ишлаб чиқариш имкониятларини хориж инвестициялари ва энг янги технологиялар билан боғлашга бўлган интилишнинг самарасидир. «ОКМК ва «ЎзКТЖМ» очиқ акциядорлик жамиятлари билан Исроилнинг «Металл тек» компанияси ҳамкорлигида юзага келган бу қўшма корхона дастлаб ҳар ойда 50 тоннадан молибден оксиди ишлаб чиқара бошлаганди. Тадбиркорлик иштиёқи, корхонани тезроқ оёққа турғазишга бўлган интилишни энг замонавий технологиялар билан уйғунлаштириб, Чирчиқ металлурглари бугун ойма-ойига 75 тоннадан ниҳоятда ноёб ва харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришяпти. Лекин бу ҳали чегара эмас. «Ўзметаллтехноложи»нинг имкониятлари ҳозирча тўла ишга солингани йўқ. Металлурглар изланишни давом эттириб, ойлик маҳсулот ҳажмини 100 тоннага етказишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

Эркинлаштириш, тадбиркорликни рағбатлантирувчи янги-янги имтиёзлар вилоятимизда иқтисодиётни жадал ривожлантириш, рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорига тобора кенг кириб бориш имкониятини бераяпти. Бугун фақат Ангрен, Олмалиқ ёки Чирчиқ сингари анъанавий саноат шаҳарларигина эмас, балки Бўстонлиқ, Оққўрғон, Зангиота, Қибрай, Паркент, Тошкент, Юқоричирчиқ ёки Янгийўл туманларидаги қўшма корхоналар ҳам ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига дадил олиб чиқаяпти.

Вилоят экспорт салоҳиятини кенгайтириш дастури фақат ва фақат миллий мустақиллик самарасидир. У қатъият ва собитқадамлик билан амалга оширила бориб, шаҳар ва туманларда мавжуд қувватлар янгиланиб, ҳар турли мулкчиликка асосланган корхоналар барпо этилаяпти. Экспорт карвонининг олдида Олмалиқ металлурглари боришмоқда. Ангрендаги «Саноатқалинқоғозсавдо» қўшма корхонаси, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси мустақил Ўзбекистонимизнинг қудратли экспортчиларига айланди. Бу карвонда «Бурсел Тошкент МЧЖ», «Оққўрғон томат», Зангиота туманидаги «Музимпекс» қўшма корхоналарининг ҳам муносиб ўрни бор. Бўстонлиқ туманидаги «Ғазалкент тошни майдалаш», Паркент туманидаги «Бер Ад» фирмаси, Тошкент туманидаги «Меҳнат» масъулияти чекланган жамият меҳнат жамоалари ишлаб чиқарган хилма-хил маҳсулотлар ҳам жаҳон бозорида тобора харидоргир бўлиб боряпти. Бугун вилоятимизда ишлаб чиқарилган рангли ва қора металлар, машина ва асбоб-ускуналар, кимё маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва турли жиҳозлар, гофрли идишлар, кийим-бош, қуруқ мевалар, музлатилган сабзавот ва бошқа маҳсулотлар экспорти муваффақиятли амалга оширилаётир. Пахта толасини экспорт қилиш камайиб, тобора кўпроқ тайёр тикувчилик буюмлари жаҳон бозорини эгаллаяпти.

Қисқа муддатда 80,8 минг тонна сабзавот, мева ва узум экспортга жўнатилди. Айни шу жараёнда халқимизнинг тадбиркорлик салоҳияти, ташаббус кўрсатиш иштиёқи ёрқин намоён бўлмоқда. Жисмоний шахслар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, вазирликлар ва идораларнинг ёрдамчи хўжаликлари хорижий шериклар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилаётирлар.

Бу мамлакатимизнинг ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20,6 фоиз ўсишига олиб келди. Бу жараёнда экспортнинг салмоғи муттасил ортиб бораётир. Шуни айтиш кифояки, январь-июль ойларида вилоятимиз 371,1 миллион долларлик маҳсулотни жаҳон бозорига чиқарди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташқи савдо айланмасида импортнинг ҳиссаси қанчалар катта бўлганлигини эсласак, бугунги натижанинг салмоғини яққол илғаб олиш қийин эмас.

Кўшма корхоналар нафақат вилоятимиз экспорт салоҳиятини ошириш, балки шаҳар ва қишлоқларимизда ички бозорни тўлдиришда ҳам тобора салмоқли ўрин эгаллаб бораётир. Рўйхатга олинган хорижий инвестицияли 224 та корхона озиқ-овқат, бошқа кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқармоқда, хизмат кўрсатиш соҳасида самарали фаолият юритмоқда. Улар етти ой мобайнида 76,4 миллиард сўмлик иш бажариб, вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Тадбиркорликнинг эркинлаштирилиши, хориж сармоядорлари манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилувчи қонун-қоидалар Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя жойлаштиришдан манфаатдорликни кучайтираётир. Фақат шу йилнинг дастлабки етти ой мобайнида вилоятимиз шаҳар ва туманларида 13 та хорижий инвестицияли корхона рўйхатга олинганлиги бунинг яққол далилидир. Бугун Янгийўл туманида Россия билан ҳамкорликда пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Texnotrans Invest», Юқоричирчиқ туманида қурилиш ва техник ойна ишлаб чиқарувчи «Texnoinvest ST» қўшма корхоналари барпо этилмоқда. Улар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаради, пахта чиқиндисини қайта ишлайди. Бундай корхоналар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, полиграфия, машинасозлик ва бошқа соҳаларга ҳам ихтисослашган.

Мана, ўн тўрт йилдирки, мустақил Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётир. Хорижий инвестицияли корхоналар бу жараёнда тобора салмоқли ўрин тутмоқда. Ишончли амалий ҳамкорлик Ўзбекистон жаҳон бозорида тобора кенг ўрин эгаллашининг етакчи омилига айланиб, иқтисодиёт ривожига суръат бағишлаётир.

Жўрабек МУРОДОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

НАВБАҲОРЛИК НУРОНИЙЛАР УЧУН

Бугунги кунда «тадбиркор» деганда бирни бирга уриб, даромад орттираётган, тўртта одамни бошини қовуштириб, етакчилик қилаётган кишилар кўз ўнгимизда гавдаланади.

Ишлаб чиқариш, савдо соҳаси дейсизми, саноат, маиший хизмат йўналишларида ўз билим ва салоҳияти, ташаббускорлиги билан косаси оқараётганларнинг иши таҳсинга сазовор.

Чирчиқлик тадбиркор Рустам Зубайдуллаев «Навбаҳор» маҳалласида яшовчи 30 нафар нуроний отахону онахонлар учун байрам дастурхони ташкил этиб, 20 нафар кам таъминланган оила аъзоларига қишки иссиқ кийимлар совға қилди.

Шу маҳаллалик тадбиркор аёл Рўзибиби Сайдазова ҳам Охунбобоев кўчасидаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи 20 нафар қария ва кам таъминланган оилаларга зиёфат уюштириб, байрам совғаларини инъом этди. Маҳалла қўмитаси эса «Чирчиқгаз» идорасига моддий жиҳатдан қийналиб, шу пайтгача фойдаланилган газ ҳақини тўлолмаган оилалар учун маблағ ўтказиб берди.

Хуршида НАЗАРОВА.

ОБОД ЮРТИМ ЖАМОЛИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юқоричирчиқ туман бўлимининг «Камалак» болалар ташкилоти, туман «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Ўз уйимиз, ўз маҳалламиз», «Обод юртим жамоли» шиорлари остида расмлар кўрик-танловини ташкил этди.

Унда туман мактабларида таълим-тарбия олаётган 20 нафар ёшлар иштирок этишди. Улар ўз асарларида қишлоқлари, маҳаллалари, уйлари, мактаб атрофларини обод қилаётган болаларнинг меҳнатларини акс эттиришди. Танловда 32-ўрта мактаб ўқувчилари Зоҳид Саидов ҳамда Рустам Шамшиев чизган расмларга энг юқори баҳо берилиб, ғолиб деб топилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

СУРАТДА: тақдирлаш маросимидан лавҳа.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

САРҲАДЛАРИМИЗ МУСТАҲКАМ, ЧЕГАРАЧИЛАРИМИЗ ОГОҲ

Юртимиз ҳудудига турли айланма йўллар орқали ҳеч қандай ҳужжатсиз товар-моддий бойликларни олиб ўтиб, мўмайгина даромад кўриш илинжида юрган сохта тадбиркорларнинг ғаразли ниятларига чек қўйишда МХХ чегара қўшинлари махсус хизматчиларининг зиммасига катта масъулият юкланган.

Айни дамларда давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва кўриқлашда моҳирона иш тутиб, ҳалоллик ҳамда қатъият билан ўз вазифасига ёндошаётган чегарачиларимиз саъй-ҳаракати туфайли шундай жиноятчиларнинг пайи қирқилмоқда.

Шу йилнинг 5 июль куни тунда Келес чегара ҳудуди махсус хизматчилари томонидан 3 та «КамАЗ» автоулови тўхтатиб текширилганида, ундаги 27 тонна сертификатсиз спирт маҳсулоти ва 30 миллион сўмликка яқин товар-моддий бойликлар мамлакатимизга контрабанда йўли билан олиб кирилаётгани маълум бўлди. Суриштирувларга кўра, ҳеч қандай ҳужжатсиз бу ашёлар қўшни Қозоғистон Республикасидан олиб келинаётгани аниқланди. Айни вақтда суриштирув ишлари давом этмоқда.

Куни кеча Келес чегара қўшини ҳарбий қисмида юқоридаги катта ҳажмдаги товар-моддий бойликларни ушлаб қолишда жасорат кўрсатган бир гуруҳ чегара қўшинлари ходимларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда шахсий таркиб раҳбарияти, ўз хизмат вазифасини ўтаётган чегарачилар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

— Бугунги кунда давлатимиз томонидан берилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик туфайли чегарачиларимизнинг маҳорати ҳамда ўз вазифасига бўлган масъулияти ошиб бормоқда, — дейди тадбирда иштирок этган чегара қўшинлари фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Рустам Султонов.

Дарҳақиқат, ҳарбий тизимни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ижобий самарасини бермоқда. Ўз навбатида, давлат томонидан етарлича моддий ва ижтимоий муҳофазаланаётган ҳарбийлар ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Маросимда фахрий ёрлиқ ҳамда мукофотлар билан тақдирланган бир гуруҳ чегара қўшинлари ходимлари келгусида ҳам матонат ва фидойилик намуналарини кўрсатишларини айтиб, ўз сафдошларини юрт манфаатлари йўлида янада мустаҳкам жипслашишга чорлашди.

Ўз мухбиримиз.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Тошкентда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб соҳаларни қамраб олаётгани, бунда икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Бизнес-форумда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хорижий сармоядорлар учун қулай шароит яратиш, томонларга тенг манфаат келтирадиган иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш давлат даражасида қўллаб-қувватланаётгани, бунда Президент Ислом Каримов имзолаган қатор фармон ва қарорлар муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Меҳмонлар форумда мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти билан танишдилар. Юртимизда хорижий сармоядорлар ва ишбилармонлар учун яратилган қулайликлар ҳақида маърузалар тингланди. Икки мамлакат иш одамлари келгусида алоқаларни янада ривожлантиришга, биргаликда қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олдилар. Шунингдек, фан-техника, кимё саноати, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари йўналишларида ҳамкорликни фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир вазифалар муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан «Ҳиндистон-МДҲ» савдо-саноат палатаси ўртасида ўзбекистонлик тадбиркорларнинг Ҳиндистонда малака оширишини ташкил этиш бўйича битим имзоланди.

Фазлиддин АРЗИЕВ, ЎзА мухбири.

ҚИШЛОҚ ОҚСОҚОЛИ

Бўзсув қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида тўртта ширкат хўжалиги, иккита илмий-тадқиқот институтининг тажриба участкаси, иккита фирма, «Осиё плюс» яхна ичимликлар корхонаси, еттита мактаб ва тўртта боғча жойлашган. Қишлоқда қарийб беш мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Эл-юрт ғамида югуриб-елиб юрган қишлоқ оқсоқоли Туроб Ваҳобовнинг ўзи ҳам шу хўжаликда меҳнат қилиб, элга танилган.

Тўғри, қишлоқ фуқаролар йиғини ишини ўзлаштириб кетиш осон бўлмади. Шу боис у деярли кунора туман кенгашига қатнар, тажрибали мутахассислардан маслаҳатлар олар, ўзи тушунмаган масалаларни ҳал этишда уларнинг ёрдамига таянарди. Куни билан гоҳ у, гоҳ бу хўжаликда бўлар, кишилар билан суҳбатлашиб, одамлар юрагига қўл солиб кўрар, уларнинг дардини эшитарди. Ёрдам керак бўлса, хўжалик раҳбарлари билан гаплашиб, уларнинг ҳожатини чиқарар, кечқурунлари эса, қишлоқ кенгашида ярим тунгача ўтириб, янги режалар тузарди.

Дастлабки иш кунларнинг бирида оқсоқол ўз хонасида қишлоқ аҳолисидан тушган аризаларни синчиклаб ўрганиб чиқди. Аризаларнинг кўпида янги уй қуриш билан бирга қишлоқ гузарини, мактаб ва боғча биноларини қайта қуриш, маҳаллаларда спорт майдончалари, бинолар, ўйингоҳлар барпо этиш таклиф қилинганди.

— Жуда яхши, — ўзича хурсанд бўлиб кўнглидан ўтказди оқсоқол. — Бу талаб кишиларимизнинг даромади ортиб, маданияти юксалиб бораётганидан далолат. Ҳур замон келди, энди уйларимиз, қишлоқларимизни кўркамлаштириб яшашимиз керак. Фарзандларимиз замонавий, қулай, талаб даражасида жиҳозланган боғча ва мактабларда тарбияланиб, ўқишлари зарур.

Бу масалани ҳал қилмоқ учун хўжалик раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, ишни гузар, мактаб, боғчадан бошлашни режалаштирди. Унинг таклифи туман ҳокимлиги томонидан маъқулланди. Қишлоқда махсус бригада тузилди. «Бўзсув» ширкат хўжалиги, «Диёра», «Дилдора» фирмалари ва тадбиркорлар ёрдамида ҳашар йўли билан 500 ўринли мактаб, 100 ўринли боғча биноси ва «Янги ҳаёт» маҳалла гузари қайта қурилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Бу хайрли ишда маҳалла аҳолисининг ўзи ҳам фаол иштирок этди. Шу йўл билан ўнта маҳалла гузарларининг ҳаммаси қайта қурилди.

Қишлоқ фуқаролар йиғинининг навбатдаги мажлисида йўлларни таъмирлаш масаласи ўртага ташланди. Бу ишда ҳам барча маҳалла жамоатчилари фаол қатнашишди. Кўпчиликнинг ғайрати билан маҳаллаларни боғловчи йўллар таъмирдан чиқарилди ва асфальтланди.

Қишлоқ оқсоқоллари Туроб Ваҳобов, Абдулла Сарибоевлар фақат ободонлаштириш ишларига бош-қош бўлиш билан чегараланиб қолмай, аҳолини иш билан таъминлаш соҳаларига ҳам эътиборни кучайтиришди. Масалан, тикув цехи очилиб, 100 дан ортиқ маҳалла хотин-қизлари иш билан таъминланди. «Гулистон» маҳалласидаги янги қандолатчилик цехига 70 нафардан ортиқ хотин-қизлар ишга жойлашди. «Бўстон» маҳалласидаги «Осиё плюс» ширин ичимликлар ишлаб чиқариш корхонасида 24 ишчи ўрни очилди. Қишлоқ ҳудудида жойлашган «Фар-ВАБ», «Диёра» фирмалари, Улуғбек номли ва «Бўзсув» ширкат хўжаликлари ҳам ўз имкониятларини кўриб чиқиб, ишсиз юрган фуқаролардан 15 кишини ишга қабул қилишди.

Бу билан биз оқсоқолнинг ишида қийинчилигу камчиликлар йўқ демоқчи эмасмиз. Ҳар бир ишда, ҳар бир соҳада муаммоллар учрайди. Аммо, барчасига ижодий ёндошилса, кишилар фикри билан ҳисоблашиб борилса, уларни ечиш осон кўчади.

Саидамин МУСАХЎЖАЕВ, Зангиота тумани.

ТОШКЕНТДА ПАХТА ЯРМАРКАСИ

Тошкентда жаҳон пахта бозорида йирик воқеа – биринчи Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ўтказилади. У 2005 йил 10-11 октябрь кунлари «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтади. Ўзбекистон ҳукумати ва пахта саноати масалаларида дунёда энг нуфузли нашр – Cotton Outlook ярмарка ташкилотчилари ҳисобланади.

Бугун Ўзбекистон пахта ишлаб чиқариш бўйича дунёда олтинчи ва экспорти бўйича иккинчи ўринни эгаллайди. Шу боис, биринчи Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси чет эл ишбилармон доираларининг катта эътиборини қозонади. Ҳозирдаёқ Жанубий-шарқий Осиё, МДҲ ва Европа мамлакатларининг компания, фирма, корхоналари ярмаркада иштирок этиш истагини билдирмоқда.

Ярмаркани ўтказиш бўйича ташкилий қўмитадан хабар беришларича, ундан кўзланган асосий мақсад пахта толасини етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш, узоқ муддатли савдо муносабатларини янада ривожлантиришдир. Ўзбек пахтаси истеъмолчилари унинг сифат кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш ва савдоси борасидаги сўнгги янгиликлар билан танишади. Мамлакатимизда етиштирилган пахтанинг йирик туркумлари савдога қўйилади. Бундан ташқари, ярмарка иштирокчилари Ўзбекистон экспортчилари билан келгуси ҳосил пахтасини етказиб бериш бўйича ҳам узоқ муддатли битимлар тузиш имконига эга бўлади.

ЎзА.

Тошкент туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги ҳудудида янги гузар мажмуаси фойдаланишга топширилди. Уни хусусий тадбиркорлар – ака-ука Исроиловлар бунёд этишди. Оилавий тантаналар ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган гузарни барпо этишда туман бош меъмори Акром Нозимов ва Содиқ Каласбоев бошчилигидаги қурувчилар жамоасининг ҳиссаси катта бўлди.

Гузарнинг очилиш тадбирида таъкидланганидек, «Исроилбек-ота» номини олган ушбу мажмуа узоқ йиллар давомида халқимизнинг яхши кунларида хизмат қилади.



СУРАТЛАРДА: *янги гузар мажмуаси очилишига бағишланган тадбирдан лавҳалар.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ОЛИМНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Тошкентда Фанлар академиясининг математика институти ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида ўзбек олими Тошмуҳаммад Саримсоқовнинг илмий фаолиятига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди. Унда мамлакатимиз ҳамда қўшни республикалардан келган математик олимлар иштирок этди.

Тошмуҳаммад Саримсоқов математика фани ривожига улкан ҳисса қўшган академик ҳисобланади. У ўз фаолияти давомида 170 дан ортиқ илмий ишларга муаллифлик қилган. Олим қолдирган илмий мерос ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоланган. Ўзбекистон Президентининг Фармонига асосан «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, академик Т. Саримсоқов математиканинг эҳтимоллар назарияси, математик статистика соҳаларида самарали ижод қилди. Шу билан бирга ҳозирги замон математикасининг илмий йўналишларидан бири Ярим майдонлар назариясига ҳам асос солди. Бу соҳага кўплаб олимлар ва қобилиятли ёшларни жалб этди.

Анжуманда олимнинг фаолиятига боғлиқ ишлар хусусида маърузалар қилинди.

«Туркистон-пресс».

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

ИШЧИ СОҒЛОМ БЎЛСА...

Бугунги кунда Олмалиқ кон-металлургия комбинати ўз маҳсулотлари орқали дунёга танилган корхоналардан бирига айланган. Бундай шарафга эга бўлишда кўп миллатли, кўпминг кишилик жамоанинг хизматлари катта бўлаяпти.

Ана шу бунёдкор кишиларнинг яхши дам олишларини ташкил этиш, саломатликларини муҳофаза қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Санаторий-профилакторий иши билан танишсангиз, бу ерда ишчилар саломатлигини ҳимоя қилиш учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Аввало, 200 нафар киши дам оладиган бу даргоҳда даволанувчилар учун кўпгина қулай шароитлар яратилганлигини эътироф этиш лозим. Шинам хоналар, маданий дам олиш учун яратилган шароитлар, жиҳозлар бу маскан корхона маъмурияти ва касаба қўмитасининг доимий эътиборида эканлигидан далолат бериб турибди.

Маълумки, корхонанинг кўплаб ишлаб чиқариш цехларида, конларда оғир иш қилаётган кишилар бор. Уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш учун кўплаб қўшимча тадбирлар амалга оширилади. Профилакторийнинг муолажалар бўлимида даволашнинг 20 дан ортиқ турлари қўлланилади. Гидроэронизация, ингаляция, қўл билан ва механик уқалаш, балчиқ, озокеритлардан ташқари душ билан даволаш ва сув ванналарининг тўрт хили ҳамда сауна хизмати даволанувчилар ихтиёрида.

Бундан ташқари, игна билаш даволаш, кўпгина санаторийларда учрайвермайдиган барокамера ва олти хил ўсимликлардан тайёрланадиган шарбатлар фитобари мавжуд. Ҳамма таомлар ошхонада илмий асосланган таомномалар асосида тайёрланади. Бунда ҳар бир даволанувчининг ҳолати эътиборга олиниб, парҳез таомлари тавсия этилади.

Хуллас, бу ерда амалга оширилаётган барча тадбирлар даво истаб келган ҳар бир ишчининг соғлиғини тиклашга имкон бераётир.

— Профилакторийимизда 105 нафар киши меҳнат қилади, — дейди бош шифокор Рустам Назиркулов. — Улар муолажада яхши натижаларга эришиш учун узлуксиз малака ошириб боришади. Ҳамма ходимларимизга асосий ойлик маошидан ташқари корхона томонидан қўшимча маош берилади.

Маъмурият ва касаба қўмитаси корхонанинг асосий бойлиги — ишчилар саломатлигини ҳимоя қилиш учун даволаш-профилактика самарадорлигини ошириш ҳаракатида. Шу мақсадда профилакторий учун янги тиббиёт ускуналари харид қилишга 15 миллион сўм, спорт анжомлари учун 250 минг сўм, кутубхонага янги адабиётлар харид қилиш учун 500 минг сўм маблағ ажратилди.

Темур ҲАЙДАРОВ.

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда мазкур комиссиянинг 2005 йилги режаси асосида миллий радиочастоталар ресурсларидан самарали фойдаланиш ишлари тўғрисидаги ҳисобот тингланди. Шунингдек, Давлат алоқа инспекциясининг 2005 йил биринчи ярмидаги иш якунлари, телерадиодастурлар тарқатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти мониторингининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази томонидан тақдим этилган натижалари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилиш иштирокчилари ҳукуматимизнинг оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш ва телерадио кўрсатувлар соҳасида радиочастоталар спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари ижроси билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама этди. Муҳокама чоғида бу борада ижро интизомини мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди.

Комиссиянинг ишчи гуруҳи аввал қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотни тақдим этди. Телерадиодастурларни тарқатиш билан шуғулланадиган қатор хўжалик юритувчи субъектларнинг қўшимча каналлар очиш ҳамда эшиттиришларнинг ҳудудий кўламини кенгайтириш ҳақидаги аризалари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

В. НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ҳар жабҳада ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳалари янгиланиб, турмушимизга файз-барака кириб бормоқда.

ИНСОН ҚАДРИ АЗИЗ

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош негизида инсон ва унинг манфаатлари устуворлиги ётади. Хусусан, бунда давлат ўз фуқаролари олдида масъул эканлиги, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатлаб қўйиши ҳам муҳим ўрин тутади. Шу боис суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўғри ва аниқ англаб етсагина уларнинг жамият ҳаётидаги иштироки фаоллашади, яшаш шароити шунга монанд равишда янада фаровонлашиб бораверади.

Шу жараёнда адолатли ва инсонпарвар қонунларимизни тўбдан қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш зарурати ҳам туғилиши табиий. Чунки, ҳеч ким ва ҳеч қайси фуқаро қонундан четга чиқишга ҳақли эмас ва қонунга бўйсуниш мажбуриятидан озод қилинмаган.

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, адолат бор жойда фуқароларнинг фаровонлиги ошади. Бунинг замирида тадбиркорга эркин йўл, асоссиз жазолашга чек қўйиш ва шу каби кўплаб қонун бузилишларининг олдини олиш масаласи ётади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш мақсадида сўнгги вақтларда жазоларни эркинлаштириш, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги фармонларнинг қабул қилиниши ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур фармонларнинг замирида инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги, шахснинг дахлсизлиги, судларнинг чинакам мустақиллиги, суд ҳокимияти нуфузини ошириш, одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши каби принциплар ётади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида турли соҳалардаги қонунларимизни қайта кўриб чиқиш, уларни мустақил республикамиз қонунларига айлантириш вазифаси мавжуд эди. Агар биз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар тарихига эътибор берадиган бўлсак, бу Юртбошимизнинг Олий Мажлис сессияларидаги бир қатор маърузаларида қўйилган вазифалар билан чамбарчас боғлиқлиги аён бўлади. Бу вазифа ҳуқуқшунос ва бошқа соҳадаги мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари билан муваффақиятли уддаланди.

Адвокатура тизимини ислоҳ қилиш масаласи ҳам шундай изчил ҳал этилди. Унинг мазмунида кучли ва мустақил адвокатура тизимини вужудга келтириш, уни прокуратура тизими билан тенглаштириш вазифаси қўйилди. Адвокатура соҳасида мустақил қонунлар ишлаб чиқилди. Адвокатнинг мавқеини оширишга хизмат қилувчи меъёрлар белгиланди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Кучли ва мустақил адвокатура тараққиёт мезони ҳисобланади».

Адвокатларга фақат суд, прокуратурага ишимиз тушгандагина мурожаат қилишимиз эмас, балки кундалик фаолиятимизда уларга таянишимиз лозим. Бир сўз билан айтганда, айблов билан ҳимоянинг тенглигини амалга ошириш қонунларимизда қатъий белгилаб берилган. Кейинчалик прокуратура, милиция идораларининг фаолияти уларнинг дахлсизлигига оид масалалар қайта кўриб чиқилди, фуқароларга асоссиз тазйиқ ўтказаётган ходимлар ҳаракатларига қонунда белгиланган тартибда барҳам берилди.

Ислоҳотларнинг йирик кўриниши сифатида судларнинг жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши қонунда мустаҳкамлаб қўйилганлигини таъкидлаш жоиз. Судларда фуқароларнинг манфаати йўлида суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукм ва бошқа қарорларини қайта кўриб чиқувчи аппеляция инстанцияси жорий этилди. Фуқаролик ишларини судда кўришда суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилишига йўл қўйилди. Бу ўз навбатида, даъвогар манфаатларини ҳимоя қилиш, вақтни тежаш, ортиқча низоларга барҳам беришга қаратилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси хўжалик-процессуал кодексига асосан хўжалик судларида қарзларни ундиришга оид суд буйруғи институти жорий этилган эди. Кейинчалик бундай институт фуқаролик судларида ҳам жорий этиладиган бўлди. Бунинг мазмунида низоларга чек қўйиш, ижро департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш, зарарларни ўз вақтида ундиришга эришиш ва бошқалар назарда тутилади. Ва ниҳоят, энг сўнгги ислоҳотларга Юртбошимизнинг 2005 йил 29 январда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси билан асос солинди ва иккинчи йўналиш сифатида суд-ҳуқуқ тизимида ярашув институтини такомиллаштириш, санкция бериш ваколатини ўзгартириш, жиноят — ижро — жазо тизимини ўзгартириш каби масалалар ўрин олди.

Ислоҳотларнинг бош мақсади — инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган. Бу сўзнинг замирида чуқур маъно бор. Хўш, биз фуқарони кимдан ва нимадан ҳимоя қиламиз? Қонунларимизнинг ўзи инсонпарварлик тамойилига асосланган бўлиб, уларга оғишмай, тўғри риоя қилишнинг ўзи ҳимояга бўлган ҳуқуқни кафолатлайди. Шунинг учун қонунларимизда шахс дахлсизлиги, айбсизлик презумпцияси деган тушунчалар бот-бот учрайди.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш имкониятлари мавжуд. Фуқаролар ислоҳотлар мазмунини чуқур англашлари, уларда қонунга риоя этиш масъулиятини кучайтириш зарур.

Мустақил республикамизнинг келгуси тараққиёти биз ишлаб чиқаётган қонунларнинг пухта, адолатли ва инсонпарварлигига боғлиқ. Зеро, қонун ҳукмрон жойда адолат ҳамиша тантана қилади. Биз интилаётган фуқаролик жамиятининг ҳам мақсади айнан шунга қаратилган.

Икром ЗОКИРОВ, Тошкент юридик институти кафедраси мудири, юридик фанлари доктори, профессор.

ЎРТАСАРОЙГА МУНОСИБ

Ўртачирчиқ туманининг Охунбобоев номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги 240 ўринга мўлжалланган 2-умумтаълим мактаби мукаммал қайта таъмирланди. Ўртасаройдаги 41-мактаб 260 нафар ўқувчига мўлжалланган бўлиб, уни замонавий кўринишга келтириш учун 206,9 миллион сўм маблағ сарф этилди. 66-мактаб ҳам мукаммал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Туманда аҳолининг зангори оловга бўлган эҳтиёжини қондириш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар ҳам назардан четда қолмаяпти. Шу кунгача «Уйғур» маҳалласи ва «Янги турмуш» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудига ҳомийлар ҳисобидан 4,5 километр узунликдаги газ қувурлари тортиб келтирилди. Етказиб берилаётган газни исроф қилмаслик мақсадида хонадонларга 2715 та газ ўлчагич ўрнатилди.

СУРАТДА: *фойдаланишга топширилган 41-мактабнинг умумий кўриниши.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

МАВСУМГА ҲАММА НАРСА ТАХТ

Вилоятдаги ўн иккита пахтани қайта ишлаш корхонаси янги мавсумга тайёрлаб қўйилди. Улар мавсум давомида ширкат ва фермер хўжаликларидан 275 минг тоннага яқин хомашё қабул қилиб олади.

– Бу йил хўжаликлардан 20 минг тоннага яқин ҳосил қабул қилишни режалаштирганмиз, – дейди Янгийўл туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» пахтани қайта ишлаш корхонаси раҳбари Қамбарали Саидбеков. – Мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Учта тайёрлов пункти тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди. Пахта қабул қилиш майдонлари, тарозихона, лаборатория, транспорт воситалари, ёпқичлар ҳам тахт.

ЎзА.

XXI аср ва дунё

ШУБҲАЛИ ТУГУН

МОСКВАнинг Домодедово аэропортида чоршанба куни кечқурун эгасиз шубҳали буюм топилгани ҳақида хабар тарқалди.

Махсус ускуналар мазкур тугун таркибида портлатувчи модда микрозарралари мавжудлигини кўрсатди. Аммо айнан қандай модда эканлигини аниқлашнинг иложи бўлмади. Кутиб олиш залидаги бу буюм сув тўпи орқали парчаланганда, цилиндр шаклидаги тугундан бурама михлар сочилиб кетди. Уларда нитроглицерин излари бор эди. Парчаланган қурилма қисмларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари текшириш учун олиб кетдилар. Терминал одатдагидек ишлаб турибди.

БОШҚА ВЕРТОЛЁТДА

ЯНГИ ОРЛЕАНдаги қутқарув ишларида қатнашаётган ҳарбий вертолёт уйлардан бирининг томига қулаб тушди.

Маҳаллий тез ёрдам хизмати вакилларининг таъкидлашича, учувчи ва унинг ёнидаги бир йўловчи шунчаки лат еган холос. Улар бошқа вертолётда яқин орадаги касалхонага жўнатилди.

ЧЕГАРА БИЛМАС САЙТ



ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҳукумати Google Maps оммабоп сайтидаги суратлардан ташвишда.

Мазкур ҳукумат вакили ўз мамлакатида жойлашган давлат муассасалари ва ҳарбий иншоотлар ҳудудларининг ер йўлдоши орқали батафсил олинган ушбу суратларидан исталган мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги хавотирли эканлигини таъкидламоқда.

ПАРВОЗНИНГ СЎНГГИ НУҚТАСИ

«ПРОГРЕСС М-53» юк кемаси бортидаги «фазо чиқиндилари» билан бирга Тинч океаннинг хавфсиз ҳудудига чўктирилди.

Двигателларни тўхтатиш механизми ёқилгач, кема атмосферанинг зич қатламларини ёриб ўтаётганда, унинг аксарият қисми ёниб тугаган. Қийин эрийдиган парчалар эса Янги Зеландия пойтахтидан 3 минг километр наридаги сув қаърига тушган.



КЎҲНА УСЛУБДАГИ ЯНГИЛИК

«ГАРРИ ПОТЕР» ҳақидаги асарлар муаллифи, Жоан Роулинг портрети ғайриоддийлиги билан оғизга тушди.

Музейлардан бири учун яратилган мазкур картина муаллифи ўн саккизинчи аср мусаввирлари қўғирчоқ театрлари учун фойдаланадиган услубни қўллаган. Тасвир махсус ёритгичлар билан ёритиладиган ва ажиб безалган қути ичига жойлаштирилади. Бу эса бир вақтнинг ўзида ҳам ҳашамдорлик, ҳам мўъжизавийлик ҳиссини уйғотади. Асар сирли ва салобатли кўринади.

ТЕЛЕФОНДА ТОМОША

БУНДЕСЛИГА Microsoft билан ҳамкорликда футбол учрашувларини тўғридан-тўғри мобил телефонларда намойиш этиш лойиҳасини амалга тадбиқ қилиш ниятида.

Ўйинлар DVB-H мобил қурилмалари учун рақамли видеоузатиш андозасида намойиш этилади. Мусобақаларни телефонлари Windows тизими билан жиҳозланган мижозларгина томоша қила оладилар. Синов намойиши сентябрь охирида Берлинда ўтказилади.

СУИИСТЕЪМОЛ ТУФАЙЛИ

УКРАИНА бош прокуратураси Давлат заҳирасининг собиқ раҳбари Николай Песоцкийни ҳибсга олди.

У дастлаб сўроққа чақирилиб, Украина жиноят кодексининг мансаб ва хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш моддаси билан айбланди-ю шу ернинг ўзида қамоққа олинди. Бу шахснинг ноқонуний фаолияти туфайли кўрилган зарар деярли 8 миллион долларга баҳоланмоқда.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 12

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.50 «Олтин мерос».
9.00 «Экспедиция». Ҳужжатли телесериал.
9.50 «Оналар мактаби».
10.10 «Малика ва етти баҳодир». Мультфильм.
10.40 «Одами эрсанг...»
11.00 Ахборот.
11.10 ТВ анонс.
11.15 «Фош бўлган риёкорлик». Ҳужжатли фильм.
11.35 -12.10 «Ҳангома».
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 Ахборот.
17.10 ТВ анонс.
17.15 1.»Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2.»Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.10 ТВ анонс.
18.15 «Равнақ» студияси намойиш этади.
18.30 «Оҳанглар оғушида».
18.40 Бизнес янгиликлари.
18.50 «Ошин». Телесериал.
19.20 ТВ анонс.
19.25 «Узлото» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 21.30 Эълонлар.
20.00 «Омон бўлинг!»
20.05 «Эгизаклар».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 Олтин мерос.
21.50 Эркин мавзу.
22.10 «Уста Ҳасан». Т/с
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.10 ТВ анонс.
23.15 «Буни ҳаёт дейдилар». Т/с

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

7.00 «Давр» ҳафта ичида.
7.30 «Мунаввар тонг».
8.30 Китоб жавони.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55, 12.25, 13.10, 15.30, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
9.00 «Учинчи сайёра»
9.50 Уй вазифаси.
10.10 «Анпанман».
10.35 «Кино SMS «танлови.
10.40 «Қадимги мавжудотлар». 1-қисм.
11.10 Замондошларим.
11.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
12.20 «Буюк ёпилиш», «Баджаҳл Бамбр».
12.40 Мусиқий лаҳзалар.
12.50 «Чекиш - соғлиққа зарар». Телефильм.
13.00 Давр.
13.15 Чемпион сирлари
13.35 Менимча.
13.40 Қишлоқдаги тенгдошим.
14.00». Табор кўкка йўл олади». Б/ф.
15.35 «Меҳр кўзда».
15.55 «Кино SMS «танлови.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.15 «Даллас».
17.00 «Сўлув замин Зомин».
17.10 Менимча.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» почтаси.
17.40 «Мульттомоша».
17.55 «Истиқлолим-истиқболим». Фототанлов.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 «Кино SMS «танлови.
18.25 Ғазал соғинчи. А. Навоий.
18.45 Ишга марҳамат!
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 ТВ - адвокат.
19.45 Ҳамкор - 2005.
19.55 Менимча.
20.00 Спорт - лото.
20.05 Мусиқий лаҳзалар.
20.15 Давр мавзуси.
20.30 «Умр дафтари» туркумидан: Абдулла Қаҳҳор. 1-қисм.
20.50 «Кино SMS «танлови.
20.55, 21.45 Эълонлар.
21.00 «Изқувар Заррас». Телесериал.
21.50 Мафтунингман, диёрим!
22.00 Давр.
22.40 Мумтоз наволар.
22.45 Спорт антологияси.
22.50 Интерфутбол.

ТОШКЕНТ tv

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Болажонлар экрани.
17.50 Т/с «Ит уяси».
18.15 Мультчарҳпалак.
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Тиббиёт сизнинг хизматингизда».
19.10 «Экспресс».
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20 Т/с «Морена Клара».
21.00 «Экспресс».
21.20 «Пойтахт плюс».
21.45 Б/ф «Оқшом чоғи арши-аълода».
23.00-23.05 «Ҳайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.30 «Талқин».
8.00 «Бодрое утро».
9.00 «Версия».
9.30 «Хозяйка судьбы».
10.15-11.10 «Болельщики баскетбола». Мультфильм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.20 Мультфильм.
17.30 Футбол. «Пахтакор» - «Трактор».
19.20 «Комната смеха».
20.00 «Хабарлар»
20.30 Мусиқий дастур.
21.00 «Спортимиз маликалари».
21.15 «Проф»ринг».
22.05 «Футбол плюс».

СЕШАНБА 13

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35«Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Экспедиция». Ҳужжатли телесериал.
9.40 «Кўҳна замин оҳанглари».
10.05 1. «Ун тўрт ёшлилар». 2. «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал.
10.35 «Экран хандаси».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Уста Ҳасан».
12.10 «Соғлом авлод - келажагимиз».
12.35 «Рақслар жилоси».
12.55 «Эгизаклар». Телесериал.
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.20 «Яхшилар ёди».
14.40 «Кўнгил таронаси».
15.00 «Ахборот»
15.15 «Бу турфа олам».
16.05 1. «Қувноқ стартлар». 2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Эл севган шоир». М. Юсуф. 1-қисм.
18.10 «Ёшлик наволари».
18.25 «MAGGI» ® Олтин ошхона.
18.50 «Ошин». Телесериал.
19.20 ТВ анонс.
19.25 «Узлото»
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 21.30 Эълонлар.
20.00 «Омон бўлинг!»
20.05 «Эгизаклар». Т/с
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Парламент вақти».
22.25-«Уста Ҳасан». Т/с
23.15 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.25 ТВ анонс.
23.30 «Буни ҳаёт дейдилар». Т/с

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

15.55 Кўрсатувлар дастури.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.20 Ғазал соғинчи А. Навоий.
16.40 Менимча.
16.45 Меъёр -соғлиқ гарови.
17.05». Кино SMS» танлови.
17.10 Ёқимли иштаҳа.
17.30 «Мультомоша».
17.45 Равнақ.
18.00 «Истиқлолим-истиқболим». Фототанлов.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Менимча.
18.30 Куёшли юрт одамлари.
18.45 Ишга марҳамат!
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Тараққиёт сари.
20.00 «JOKER» телелотереяси.
20.10 ТВ - адвокат.
20.15 Мусиқий лаҳза.
20.20 Давр репортаж.
20.30 «Умр дафтари» туркумидан: Абдулла Қаҳҳор 2-қисм.
20.50 «Кино SMS « танлови.
20.55, 21.45 Эълонлар.
21.00 «Изқувар Заррас». Телесериал.
21.50 Мафтунингман, диёрим!
22.00 Давр.
22.40 Ёшлар куйлаганда.
22.45 Спорт антологияси.
22.50 «Кино SMS» танлови.
22.55 «Эсмеральда».

ТОШКЕНТ tv

17.30 Болажонлар экрани.
17.50 Т/с «Ит уяси».
18.15 «Кичкинтойлар кенгулар». Мульттўплам.
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Озод ва обод юрт».
19.10 «Экспресс».
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20 Т/с «Морена Клара».
21.00 «Инсон ва қонун».
21.20 Экспресс».
21.40 «Ҳуқуқ» телеклуби.
22.15 Б/ф «Буч Кессиди ва Санденс Кид» 1-қисм.

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар»
9.20 «Хозяйка судьбы».
10.05 «Сам себе режиссёр».
10.45 -11.35 Футбол. «Насаф» - «Навбаҳор».
17.00 «Хабарлар».
17.20 «Болалар спорти».
17.40 Мультфильм.
17.45 «Спорт – менинг ҳаётим».
18.00 Теннис. US-Open.
19.00 «Земля до начала времен». Док. фильм.
20.00 «Хабарлар»
20.30 Мусиқий дастур.
20.50 «Хўжакўл ва унинг дўстлари».
21.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Локомотив» - «Тўпаланг».
22.05 «Достигая невозможного». Художественный фильм.
23.40 Чемпионлар Лигаси. Гуруҳ баҳслари
1.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА 14

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Экспедиция». Ҳужжатли телесериал.
9.40 «MAGGI» ® Олтин ошхона.
10.05 «Қувноқ стартлар».
10.40 «Саломатлик» дастури.
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Уста Ҳасан». Телесериал.
12.10 ТВ анонс.
12.15 «Дўстлик» тележурнали: «Ягона оилада».
12.45 «Оҳанглар оғушида».
12.55 «Эгизаклар». Телесериал.
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.20 «Тамаддун».
14.40 «Менинг сўнгги тангоим». Бадиий фильм.
16.15 1. «Соғлом танда – соғ ақл». 2. «Болалар дунёси».
16.45 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Зукко»нинг қизлари.
17.30 «Куйла, ёшлигим».
17.55 С. Зуннунова. «Келин».
18.20 «Мактабга эътибор – келажакка эътибор».
18.40 «Минг бир ривоят».
18.45 «Ошин». Телесериал.
19.20 «Узлото». Телелотерея.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 21.30 Эълонлар.
20.00 «Омон бўлинг!»
20.05 «Эгизаклар». Т/с
21.00 «Ахборот».
21.40 «Олтин мерос».
21.50 «Эркин мавзу».
22.10 «Уста Ҳасан». Т/с
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.10 «Буни ҳаёт дейдилар».

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

15.55 Кўрсатувлар дастури.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.15 Оқ кабутар, Шоҳсупа.
16.55 Менимча.
17.00 «Истиқлолим-истиқболим». Фототанлов.
17.05 Ёшлар овози.
17.25 Сен ёлғиз эмассан.
17.50 Ишдан кейин.
18.10 «Кино SMS» танлови.
18.15 Автопатрул.
18.35 Каталог.
18.45 Ишга марҳамат!
18.50 Мафтунингман, диёрим!.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35, 22.35 ТВ-анонс.
19.40 «Очил дастурхон» ҳангомалари.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Давр мавзуси.
20.25 Менимча.
20.30 «Умр дафтари» туркумидан: Абдулла Қаҳҳор 3-қисм.
20.50 «Кино SMS» танлови.
20.55, 21.45 Эълонлар.
21.00 «Изқувар Заррас». Телесериал.
21.50 Мафтунингман, диёрим!
22.00 Давр.
22.40 Мумтоз наволар.
22.45 Спорт антологияси.
22.50 «Кино SMS» танлови.
22.55 «Эсмеральда». Телесериал.
23.25 Ринг қироллари.
0.15-0.20 Ҳайрли тун!

ТОШКЕНТ tv

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Кичкинтой кенгулар». Мульттўплам.
17.40 Т/с «Ит уяси».
18.05 «Иқтисодий тараққиёт йўлида».
18.30 «Пойтахт».
18.50 Ўзбектелефильм намойиш этади: «Қалб кўзи».
19.10 «Экспресс».
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20 Т/с «Морена Клара».
21.00 «Экспресс».
21.20 «Ҳамшаҳарлар».
21.40 Б/ф «Буч Кессиди ва Санденс Кид». 2-қисм.
22.40-22.45 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.20 «Хозяйка судьбы». Сериал.
10.05 «Диалоги о животных».
10.45-11.00 «Спорт масканларида».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.20 «Шоҳруҳ клуби».
17.35 «Майдон ортидаги одам».
17.50 Теннис. US-Open.
18.50 «Микрокосмос». Док. фильм.
20.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
20.30 Мусиқий дастур.
21.00 «В джазе только девушки». Кинокомедия.
22.35 «Кучли бешлик».
23.10 «Баҳодирлар ўйини».
23.40 Чемпионлар Лигаси. Гуруҳ баҳслари
1.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА 15

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Экспедиция».
9.40 «Наволарим, сенга она юрт».
10.00 1. «Хаёлпараст». Теленовелла. 2. «Болалар дунёси». 3. «Рокки ва унинг дўстлари».
10.45 «Зукко»нинг қизлари.
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Уста Ҳасан». Телесериал.
12.15 1. «Дурдаршан». 2. «Парле ву франсэ?»
12.55 «Эгизаклар».
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.15 «Мактабга эътибор – келажакка эътибор».
14.35 «Наволарда навобахш Феруз».
15.00 «Ахборот»
15.15 «Табиб». Бадиий фильм. 1-қисм.
16.20 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Имконият».
17.35 «Кўнгил таронаси».
18.00 «Эврилиш». Видеофильм.
18.20 «Қишлоқ ҳаёти».
18.40 «Оҳанглар оғушида».
18.45 «Жавоҳир».
18.50 «Ошин». Телесериал.
19.25 «Узлото» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
20.00 «Омон бўлинг!»
20.05 «Эгизаклар». Т/с
21.00 «Ахборот».
21.40 «Олтин мерос».
21.50 Эркин иқтисодиёт.
22.10 «Уста Ҳасан». Т/с
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.15 «Буни ҳаёт дейдилар». Т/с

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг».
8.30 Оқ кабутар.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.10, 13.10, 15.55, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
9.15 «Эсмеральда». Телесериал.
10.15 Давр мавзуси.
10.30 Куёшли юрт одамлари.
10.50 Шоҳсупа.
11.10 «Анпанман». Мультсериал.
11.35 Менимча.
11.40 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.15 Автопатрул.
13.35 Ёнингдаги бахт.
13.40 Чемпион сирлари.
14.05 «Кино SMS» танлови.
14.10 Интерфутбол.
15.50 Менимча.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.15 «Даллас». Телесериал.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 Бўш ўтирма.
17.25 Менимча.
17.30 Тенгдошлар.
17.50 «Истиқлолим-истиқболим». Фототанлов.
17.55 Ёшлар овози.
18.15 ТВ - адвокат.
18.20 Табобат оламида.
18.45 Ишга марҳамат!
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Сайёра.
20.00 Давр репортаж.
20.10 Ҳамкор - 2005.
20.20 Солиқ хизмати хабарлари.
20.30 «Умр дафтари» туркумидан: Абдулла Қаҳҳор. 4-қисм.
20.50 «Кино SMS» танлови.
20.55, 21.45 Эълонлар.
21.00 «Изқувар Заррас». Телесериал.
21.50 Мафтунингман, диёрим!
22.00 Давр.
22.40 Ёшлар куйлаганда.
22.45 Спорт антологияси.
22.50 «Кино SMS» танлови.
22.55 «Эсмеральда». Телесериал.

ТОШКЕНТ tv

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Кичкинтой кенгулар». Мульттўплам.
17.45 Т/с «Ит уяси».
18.10 «Аёл қалби».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Саодат калити».
19.10 «Экспресс».
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20 Т/с «Морена Клара».
21.00 «Экспресс».
21.20 «Бархаёт сиймолар».
21.40 У. Умарбеков: «Қиёмат қарз». Фильм-спектакл.

СПОРТ

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.20 «Болалар спорти».
17.35 «Спорт – менинг ҳаётим».
17.50 «Белида белбоғи борлар».
18.10 «Кучли бешлик».
18.45 «Между первой и второй». Художественный фильм.
20.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
20.30 Мусиқий дастур.
21.00 «Нокаут». Бокс.
21.30 «Еврофутбол».

ЖУМА 16

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Австралиянинг ёввойи табиати».
9.50 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Рокки ва унинг дўстлари».
10.25 «Юртим жамоли». Экранда – Навоий вилояти.
10.45 «Мафтункор кабутарлар».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Уста Ҳасан».
12.15 «Дўстлик» тележурнали: «Ўзбекистон – умумий уйимиз».
12.45 «Оҳанглар оғушида».
12.55 «Эгизаклар».
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.20 «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 «Табиб». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.40 1.»Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2.»Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.35 «Ozzи-Озон».
16.45 Янги алифбони ўрганамиз.
17.00 «Ахборот».
17.15 «Табаррук замин».
17.40 «Ёшлик наволари».
17.50 «Ҳаёт ва қонун» тележурнали.
18.10 «Зийнат».
18.30 «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
18.50 «Ошин». Телесериал.
19.25 «Узлото» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 21.30 Эълонлар.
20.00 «Омон бўлинг!»
20.05 «Эгизаклар». Т/с
21.00 «Ахборот».
21.40 «Олтин мерос».
21.50 Эркин мавзу.
22.10 «Уста Ҳасан». Т/с
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.15 «Буни ҳаёт дейдилар». Т/с

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг».
8.30 Бўш ўтирма.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.10, 10.45, 13.10, 17.00, 22.35 ТВ - анонс.
9.15 «Эсмеральда».
9.45 Давр репортаж.
9.55 «Учинчи сайёра»
10.50 Тенгдошлар.
11.10 «Анпанман».
11.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
12.25 Менимча.
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.15 Сен ёлғиз эмассан.
13.40 «Шаҳризоданинг янги эртаклари». Б/ф 1-қисм.
14.45 «Кино SMS» танлови.
14.50 «Шаҳризоданинг янги эртаклари». Б/ф 2-қисм.
15.45 Менимча.
15.50 Узбекистон жавоҳирлари.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.15 «Даллас».
17.05 «Кино SMS» танлови.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15. «У ким? Бу нима?»
17.45 «Барака ёмғири».
17.55 «Истиқлолим-истиқболим». Фототанлов.
18.00 Томир.
18.20 ТВ - адвокат.
18.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
18.45 Ишга марҳамат!
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Ракурс.
20.00 Спорт - лото.
20.10 Парламент вақти.
20.55 Мусиқий лаҳзалар.
21.05, 21.45 Эълонлар.
21.10 «Муҳаббат ва эҳтирос».
21.50 Мафтунингман, диёрим!
22.00 Давр.
22.40 Мумтоз наволар.
22.45 Спорт антологияси.
22.50 «Кино SMS» танлови.
22.55 «Эсмеральда»

ТОШКЕНТ tv

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Кичкинтой кенгулар».
17.40 Т/с «Ит уяси».
18.05 «Иқтисодий тараққиёт йўлида».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Имконият».
19.10 «Экспресс».
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20 Т/с «Морена Клара».
21.00 «Экспресс».
21.20 «Дорихона эшитади».
22.10 Б/ф «Синган тақа».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар»
9.20 «Хозяйка судьбы».
10.50 Студия «Равнақ» представляет.
11.05-12.00 Баскетбол.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.20 «Болалар спорти».
17.35 Каратэ. Киокушинкай. Республика турнири.
17.55 «Жаҳон футболи».
18.20 «Дадиллик учун соврин».
18.50 «Поле чудес».
20.00 «Хабарлар»
20.30 Мусиқий дастур.
20.50 «Заҳирадаги спортчи».
21.10 «Спорт клуб». Ринг.
21.40 «Еврофутбол».

ШАНБА 17

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Австралиянинг ёввойи табиати».
9.45 1. «Олтин тож». 2. «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал.
10.35 «Оналар мактаби».
10.55 «Оҳанглар оғушида».
11.10 «Омон бўлинг!»
11.15 «Уста Ҳасан».
12.05 «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
12.25 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар».
12.55 «Эгизаклар». Телесериал.
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
14.45 «Спорт янгиликлари».
15.00 «Ахборот»
15.10 ТВ анонс.
15.15 «Келин-куёв».
16.45 1.»Санъат гунчалари». 2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.25 «Ёшлик наволари».
17.40 «Интеллектуал ринг».
18.20 «MAGGI» ® Олтин ошхона.
18.45 «Ошин». Телесериал.
19.15 «Узлото». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.50, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Иллар армони».
20.55 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Ҳаёт давом этади».
22.00 «КиноТеатр».
22.20 «Буни ҳаёт дейдилар». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
22.55 «Бенҳур». Бадиий фильм. 1-қисм.

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг».
8.30 У ким? Бу нима?
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.10, 13.10, 15.55, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
9.15 «Эсмеральда». Т/с
9.45 Табобат оламида.
10.10 Ватанпарвар.
10.10 Ракурс.
11.35 Солиқ хизмати хабарлари.
11.45 «Кино SMS» танлови.
11.50 «Маҳобҳорат».
12.35 Кутилмаган меҳмон.
13.00 Давр.
13.15 Менимча.
13.20 Бола тилидан.
13.50 Интерфутбол.
15.30 «Кино SMS» танлови.
15.35 Шум болалар.
15.50 Менимча.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман диёрим!
16.15 «Ерим кетаман дейди». Спектал.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 Саломатлик сирлари.
17.55 «Маҳобҳорат».
18.40 Каталог.
18.50 Мафтунингман диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 «Кино SMS» танлови.
19.45 «Бўғирсоқ» премьераси.
20.00 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Муҳаббат ва эҳтирос».
21.50 Мафтунингман, диёрим!
22.00 Давр.
22.40 Ёшлар куйлаганда.
22.45 Спорт антологияси.
22.50 Кулгич.
23.00 «Мим салтанати». Б/ф.

ТОШКЕНТ tv

«Тошкент» телеканали ижодкорлари «8.00-13.00 « гача деб номланган кунгилочар информацион мусиқий кўрсатувлар дастурини эфирга узатади.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Болажонлар экрани».
17.40 CFI-тақдим этади: «Келажак шаманлари». 2-қисм.
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Шунақа гаплар».
19.10 «Экспресс».
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20 «Табрик-шоу».
21.05 «Биргаликда куйлаймиз».
22.05 «Экспресс».
22.25 «Ёшлар даврасида».
22.45 Б/ф «Какку уяси узра парвоз» 1-қисм.

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.40 «Хабарлар»
9.10 «Три окна».
9.50 «Джунгли».
11.00 «Стать ближе».
11.40 Баскетбол.
12.40-13.10 «Спорт салтанати».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.20 «Болалар спорти».
17.40 Мультфильм.
17.45 «Спорт – менинг ҳаётим».
18.00 Каратэ.
18.20 «Кучли бешлик».
18.55 «Зафар бекати».
19.15 «В поисках приключений».
20.00 «Хабарлар»
20.30 Футбол. «Трактор» - «Насаф».
21.20 «Дув-дув гап».
22.20 «Еврофутбол».

ЯКШАНБА 18

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Камалак» экрани: «Картошкалар ва аждарҳо». Мультсериал.
9.35 «MAGGI» ® Олтин ошхона.
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 Ватан ҳақида қўшиқ.
11.10 «Бу турфа олам».
12.05 «Жиддий ўйин».
12.50 «Йиллар армони».
13.40 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
13.50 «КиноТеатр».
14.10 «Тати Даниэль». Бадиий фильм.
16.00 «Олтин тож».
16.35 «Ҳаёт давом этади».
16.55 «Ёшлик наволари».
17.10 «Шахсий фикр».
17.50 «Портретга чизгилар».
18.10 «Айтишув».
19.05 «Одамлардан бири».
19.25,

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ●

Тошкент теннис марказида кетма-кет тўртинчи маротаба ўтказилаётган Осиё чемпионати энг қизғин паллага кирди. Беш кундан буён давом этаётган қитъа чемпионатининг яккалик баҳсларида финалда бош соврин учун кортга чиқадиган спортчилар маълум бўлди.

ОҚГУЛ ВА ДЕНИС – ФИНАЛДА!



Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Қувонарли томони шундаки, эркаклар ва хотин-қизлар мусобақасида иштирок этган ҳамюртларимиздан Денис Истомин ва Оқгул Омонмуродова финалга йўлланма олди.

Эркаклар ўртасидаги беллашувларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган мамлакатимизнинг энг кучли теннисчиси Денис Истоминнинг ўйини чемпионат бошиданоқ мухлису мутахассисларга манзур бўлаётган эди. Шу боис кўпчилик чемпионатда иккинчи рақамда сараланган ўзбекистонлик теннис устаси финалга чиқишини башорат қилганди. Охир-оқибат шундай бўлди ҳам.

Ярим финалда Денис Истомин Осиё чемпионатининг 2002 йилги ғолиби япониялик Гоичи Мотомура билан куч синашди. Тошкент кортларида қитъа чемпионлигини қўлга киритган япониялик теннисчи ҳамюртимизга фақат биринчи сетда жиддий қаршилик кўрсатолди, лекин барибир уни 4:6 ҳисобида бой берди. Учрашувни томоша қилиш учун Тошкент теннис марказига келган мухлислар ишончини оқлаган Денис Истомин иккинчи сетни ҳам 6:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилиб, финалга йўлланма олди.

Эркакларнинг финал ўйини якунланаётган чемпионатнинг энг кескин, муросасиз ва қизиқарли учрашуви бўлиши кутилмоқда. Чунки асосий учрашувда Денис Истомин мусобақанинг биринчи рақамли ракеткачиси Данаи Удомчоке (Таиланд) билан баҳслашади. Таиланд вакили ярим финалда япониялик Сатоши Ивабучини 6:3, 7:6 ҳисобида доғда қолдирди.

Қитъа чемпионатининг хотин-қизлар ўртасидаги ярим финалига икки нафар ҳамюртимиз йўлланма олганди. Жароҳатини узоқ муддат даволатиб, яна мусобақаларда иштирок эта бошлаган Ирода Тўлаганованинг ярим финалгача етиб келиши мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Мазкур босқичда ҳамюртимизга чемпионатнинг энг кучли иштирокчиларидан ҳисобланган Су Вей Хсиех (Хитой Тайпейи) рўбарў келди. Анча кескин ва муросасиз бўлган ўйинда тайпейлик теннисчи 6:4, 7:6 ҳисобида зафар қучиб, финалга чикди.

Иккинчи ярим финалда ўйнаган яна бир ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова ҳам аввалига мухлисларни анча хавотирга солиб қўйди. Рейтингда барча жамоадошларидан юқорида қайд этилган ўзбекистонлик ракетка устаси биринчи сетда чемпионатда иккинчи рақамда сараланган Шихо Хисаматсуга (Япония) 2:6 ҳисобида имкониятни бой берди. Бироқ, мустаҳкам иродасини намойиш қилган Оқгул Омонмуродова кейинги икки сетда 6:1, 6:2 ҳисобида ғалаба қозониб, финалда тайпейлик Су Вей Хсиех билан бош соврин учун курашадиган бўлди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, Қаҳрамон ҚАРШИЕВ, ЎзА шарҳловчилари.

МАШМАША ДАВОМ ЭТАЯПТИ

ФИФАнинг бугун Марокашда бўлиб ўтадиган конгресси бу тортишувга ойдинлик киритса ажаб эмас

2006 йилда Германияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати баҳсларининг ташкилий қўмитаси раиси Леннарт Йохонссон ЎФФга шундай жавоб йўллади: «Ўзбекистон футбол федерациясининг ФИФАга йўллаган шикоятномасининг бизнинг қарорга асло дахли йўқ. Улар бизга шикоят ёзмаган тақдирда ҳам учрашувни такроран ўтказиш ҳақида қарор қабул қилардик».

Қарор эса, унинг сўзларига кўра, ўйиндан сўнг, учрашув инспектори ва комиссар ёзган ҳисобот асосида қабул қилинган. Шу ерда ўзўзидан барчани ўйлантирадиган бир савол туғилади. Ўйинда жабр кўрган бизнинг терма жамоа бўлса-ю, ФИФАнинг қарори Баҳрайн фойдасини кўзлаб чиқарилса. Буни қандай тушунмоқ керак? Наҳотки, оддий инсонларнинг ақли етган вазиятга шундай нуфузли ташкилот мутасаддилари терс назар билан қарашса!

Ўйин пайтида ҳакамнинг қароридан норози бўлган мухлисларимиз чигалёзди машқларини бажараётган баҳрайнлик футболчиларга қарата турли буюмлар отишганмиш. Шу сабабли Баҳрайн футбол уюшмаси ЎФФдан норози бўлиб шикоят йўллаган. Халқаро ФИФА ташкилоти эса шикоятни дарҳол қаноатлантириб, яна бир марта бундай ҳолат такрорланса, «Пахтакор» стадиони дисквалификацияга учраб, кейинги ўйинлар мухлисларсиз ўтказилиши мумкин, деб огоҳлантириш хати жўнатган. Шунинг учун ҳам ишқибозларимиз бу сафарги учрашувда оғирроқ бўлишса, севимли жамоамизни фақат одоб-тартиб доирасида қўллаб туришса, айни муддао бўларди.

ЎФФ ўйинни такроран ўтказиш ҳақидаги қарордан норози бўлиб, 10 сентябрь куни Марокашда бўлиб ўтадиган ФИФАнинг конгресси кун тартибига юқоридаги баҳсли масалани ҳам киритишни мақсад қилди.

Тошкентда бўлиб ўтган матбуот анжуманида ЎФФнинг «Терма жамоалар билан ишлаш» бўлими бошлиғи Алишер Никимбаев шундай деди: «Биз бу ҳукмдан албатта, норозимиз. Агар шикоятимиз қаноатлантирилмаса, ФИФАнинг ижроия қўмитаси, у ҳам ижобий ҳал этмаса, ФИФА конгресси, ҳатто сўнгги чора Халқаро спорт арбитрлик судига ҳам мурожаат қилишимизга тўғри келади».

Юқоридаги гаплардан кўриниб турибдики, ФИФА ҳар икки томоннинг манфаатини кўзлаб, ҳаққоний иш олиб бораяпти, дея олмаймиз. Чунки, унинг қарорларидан фақат бизнинг терма жамоамиз жабр кўрмоқда.

Ўйин билан боғлиқ харажатларга келсак, уни қоплашни ФИФА ўз зиммасига олишга розилик берган-у, аммо ҳалигача бу борада расмий ҳужжат жўнатмаган. Шунингдек, чипта олиб, 3 сентябрь куни футбол томоша қилган ишқибозларнинг харажатини ким қоплайди, деган савол ҳам туғилиши табиий. ЎФФ мутасаддиларининг айтишича, бу борада ҳам аниқ ташкилий ишлар амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ЎФФ мутасаддилари ФИФА билан ўйинни бошидан бошлаб эмас, балки ўша 11 метрлик жарима тўпи тепилган вақтдан қайтадан ўтказилишини талаб қилиб, музокара олиб бормоқда. Унга кўра биринчи бўлимдаги 1:0 ҳисоби сақланган ҳолда 39-дақиқадаги пенальти қайта амалга оширилади ва ўйин давом эттирилади.

Албатта, ушбу талаб амалга ошса, ҳақиқат қарор топган бўлар эди.

Камолиддин АСҚАРОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ҲИНДИСТОН ТОВАРЛАРИ ТОШКЕНТДА

Шу кунларда мамлакатимизда Ҳиндистон Республикаси Давлат савдо ва саноат вазири Шри Илангован раҳбарлигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди. 7 сентябрь куни ушбу ташриф доирасида Тошкентдаги «Ле Гранд Плаза» меҳмонхонасида Ҳиндистон товарларининг иккинчи савдо кўргазмаси очилди.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида барча соҳалардаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг ўзаро учрашувларида эришилган келишувлар бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва «Ҳиндистон-МДҲ» Савдо-саноат палатаси томонидан икки мамлакат элчихоналари кўмагида ташкил қилинган кўргазмада Ҳиндистоннинг қирққа яқин фирма ва компанияси иқтисодиётнинг турли йўналишларида, хусусан, тўқимачилик, фармацевтика, лакбўёқ саноати, машинасозлик, ахборот технологиялари, халқ истеъмоли моллари, қурилиш ва қурилиш материаллари, заргарлик, ҳунармандлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларга оид маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

ЎзА.

ТЕАТРНИНГ ЯНГИ МАВСУМИ

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида янги – 66-мавсум очилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда сўзга чиққан «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Омонулла Ризаев Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий санъатимиз, жумладан, театр санъати ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Театрнинг янги ижодий мавсуми Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон асари ҳамда бастакор Баҳрулло Лутфуллаев мусиқаси асосида яратилган «Бобур соғинчи» мусиқали драмаси билан бошланди. Спектакль бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг орзуармонлари, Ватан соғинчи йўлидаги изтироблари ҳақида ҳикоя қилади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Маъдиев саҳналаштирган мазкур спектаклдаги бош ролларни Ҳамид Тўхтаев, Меҳмонали Салимов, Гулнора Рустамова каби актёрлар ижро этган.

ЎзА.

Айни кунларда Республика кино уйида Италиянинг машҳур кино ижодкорларидан саналган Федерина Феллини, Виктория Песика ва Роберто Бенкин яратган фильмлари намойиш этилмоқда.

ИТАЛИЯ КИНОСИ – МЕҲМОНИМИЗ

Мана тўрт йилдирки Ўзбекистонда Италия киноси ҳафталиги ўтказилиб келинади. Бу сафарги кино ҳафталигида Италиянинг комедия жанридаги "Ҳаёт шунақа", "Менинг дўстим", "Уч аҳмоқ", "Итальянча никоҳ" ва "Омад" каби ўн иккитага яқин картиналари намойиши режалаштирилган. Ушбу фильмлар намойиш этилаётган кино музейида тез кунларда Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Алишер Навоий номидаги театр ҳамкорлигида опера кечаси ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

«Туркистон-пресс».

Ҳаёт сабоқлари

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Телефон устма-уст жиринглади. Гулсиной дастакни кўтарди, Ҳакимахоннинг таниш овози эшитилди:

— Ҳой, Гулсиной, чироқларингиз ёнаяптими?

— Ҳа, нима эди?

— Э, бизникида свет йўқ. Энди кино кўраманми десам, аксига олиб...

— Ҳа-я, қайси кинони айтаяпсиз? — сўради Гулсиной.

— Анави, «Тақдир бекаси» борку.

— Ҳа-ҳа, бир аёл ёшлигида қизини ўғирлатиб қўйганлиги, йиллар ўтса ҳам ҳануз топа олмай, ҳалак бўлиб юрганлари ҳақидами? Хўп чиқди-да, чет эл сериаллари. Ёш ҳам, қари ҳам бирдек тикилиб ўтираверади. Айниқса, ҳалигинақа жойларини отабола, қайнона-келин бирдек, тортинмай томоша қилаётганини кўриб, ёқа ушлайсан. Баъзан эътироз билдирсанг, ҳаётдан орқада қолганликда айблашади. Ахир, бунақа сериаллар одамнинг ахлоқини бузмайдими? Бизнинг турмуш тарзимизга ёт нарсаларни кўравериб, фарзандларимизнинг тарбияси бузилиб, оқибатсиз бўлиб кетмаяптимикан?

— Эй, Гулсиной, ҳар кимнинг ўзида қолган. Ўзингиз яхши тарбия берган бўлсангиз, фарзандингиз шу кинони кўриб ўзгариб қолармиди?

— Ким билади дейсиз?..

Гулсиной ўзича бир нималарни ўйлаб кетди: «Қизиқ, ёши бир жойга бориб қолган бўлса ҳам Ҳакимахон упа-элигини қўймайди-ю, яна тарбия ҳақида оғиз кўпиртиради. Тунов кунги чақирикда бир ўй хотин-халаж, бири олиб, бири қўйиб, фалончининг қизи тўй куни бошқа йигит билан қочиб кетганини роса чилдирма қилиб чалишди.

Шу хаёллар гирдобида ўтирган Гулсиной ўғлининг кириб келганини сезмай қолди.

— Ҳа, опа, тинчликми? Нималарни ўйлаяпсиз?

— Вой, келдингми болам? Кеч қолганингга қаерларда юрибдийкин, деб хавотирга тушиб ўтирибманда, махтал бўлиб. Бошингни иккита қилиб қўяй десам, пайсалга солганинг солган. Тезроқ топсанг, мен ҳам хотиржам бўлардим. Ё топмайсан, ё мен топсам, ёқтирмайсан.

Каримжоннинг юзи тундлашди.

— Кимни айтяпсиз, опа?

— Анави Ноила холанг бор-ку, тоғдаги қўшнимиз. Ўшанинг Лола деган қизи бор. Яқинда кўриб қолдим, ёқимтойгина қиз бўпти. Эсингдами, сойдан сув ташиганида сочлари тақимини ўпарди, ўзинг ҳам қўймасдинг сочидан тортқилаб.

— Э-э-э, қўйинг шуни. Бир ками ўртоқларимга кулги бўлишим қолувди, «байроқ»қа уйланди деб.

— Ия, «байроқ» деганинг нимаси?

— У кўчада туради, катта йўл бўйида. Хоҳлаган бойвачча машинасига солиб кетаверади, фақат у айтган пулни берса бўлди! Энди тушундингизми?

— Ҳой бола, оғзингга қараб гапир. Тузуккина одамларнинг фарзанди-ку? Қўй, туҳмат қилма.

— Ишонмасангиз ўзингиз биласиз.

Гулсиной нима деярини билмай, тилини тишлаб қолди. У ҳам аёл бўлганлигиданми, ё ўғлидан шунақанги сўзларни эшитиб турганиданми, лол қолиб ўтирарди.

— Анави, «Эссизгина» дея олди, холос. Шу пайт кўчада кимнингдир қаттиқ бақиргани эшитилди. Қараса, икки-уч ўй нари қўшнисининг оғзидан боди кириб, шоди чиқаяпти. Шунчалик беҳаё бўладими?

— Ҳе, оғзингдан қонинг келгур..., отангга ўхшамай ўл, ҳалитдан жилпиллаб қолдингми, энди уйимга қадам босма. Э-э, сендақа нонкўрни..., агар яна қорангни кўрсам, нақ...

— Ҳай, ҳай, келин, уят бўлади-я, ёш болалар эшитиб турибдия? Ўзингизни босинг...

— Ҳа, башаранг қурсин, отаси ташлаб кетган, деб раҳм қилиб ўтирибман бу зиндага. Шу десангиз, «гап»га бормоқчи эдим, овсинимникига. Болаларга жимгина «видик» кўриб ўтиринглар, деб йўлга отланаётсам, жувонмарг эримнинг жияни келиб қолди. Гўрсўхта. Ҳа, майли бирга ўтириб туринглар, ҳозир келаман, дедиму, овқатларини бериб кетдим. Келсам, йиғлайвериб, катта қизимнинг кўзлари шишиб кетган. «Нима бўлди», — десам ўша гўрсўхтани кўрсатиб, яна йиғлаб юборди. Кейин беш яшар ўғлим ҳаммасини айтиб берди. Ёши эндигина ўн тўртга кирган бўлса ҳам катта кишига ўхшамай ўлгур, «видик» кўриб ўтириб, уят жойига келганда, қизимга ёпишиб кетибди. 7 ёшли қиз нимани билади, дейсиз. Юраги ёрилгудек бўлиб бақирса, оғзини ёпармиш, айтсанг ўлдираман, деб.

— Ёш болаларга унақа «видик»ларни кўришга рухсат бериб қўйган ўзингиз ҳам «яхши» экансиз-да, келин! Ундан кўра шу ёшгина гўдакларингизнинг тарбиясини ўйласангиз бўлмасмиди? Ким қўйибди сизга «гап» ейишни. Ота-она тарбиясини кўрмаган бола — болами?

— Ҳов, холажон, мен сизнинг насиҳатингизга зор эмасман, хўпми? Сиз яхшиси ўзингизни билинг. Ёлғиз ўғлингизни уйлантиролмайсиз-у, сизга ҳам гап борми? Алам қилаяптими? Сиз ҳам қўшилинг, эпласангиз, «гап»га.

— Ҳа, майли. «Гапни гапир уққанга» деб бежиз айтишмаган экан. Бир ёмон томони, қуш уясида кўрганини қилади. Болаларингга қийин, эссиз, эссиз...

Кўпинча кексайиб, кучдан қолганда фарзандларимизнинг оқибатсизлиги, меҳрсизлигидан нолий бошлаймиз. Аслида «Бошингга неки иш тушса, бировданмас, ўзингдан кўр», деганларидек, баъзан ўз ҳузур-ҳаловатимизни ўйлаб, фарзандларимизни ташлаб қўйганимизни билмай қоламиз. Ёки гул ўрнига тикан ўстириб қўйганимизда афсус-надоматлар қиламиз. Зеро, ҳаётимиз қувончи, умидимиз чечаги — азиз фарзандларимиз тарбияси учун энг аввало ота-ота масъулдир.

Сожида РАҲИМОВА.

Санъат оламида

БУЮК МУСАВВИР ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Камолиддин Беҳзод таваллудининг 550 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.

Унда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган Беҳзод даврига оид ноёб қўлёзма асарлар, уларга ишланган миниатюралар билан танишиш мумкин. Унда миниатюра санъатининг монументал ва дастгоҳли тасвирий санъат йўналишларига таъсири акс эттирилган асарларга ҳам кенг ўрин олган.

Алишер Аликулов, Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, Тоир Болтабоев, Ғайрат Камолов, Хуршид Назиров каби мўйқалам соҳибларининг асарлари юртимизда Камолиддин Беҳзод анъаналарининг муносиб давомчилари ижод қилаётганидан далолатдир.

ЎзА.

ЁШ РАССОМ ИЖОДИДАН

Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон саройида мусаввир Камолжон Бобоев асарлари кўргазмаси очилди.

К.Бобоев ўрта мактабни тугатгач, дастлаб Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтини, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси йўлланмаси билан Италиянинг Комо шаҳридаги Альдо Галли номли Нафис санъат академиясида таҳсил олган.

Ёш мусаввир асарларининг аксарияти модерн услубида. Айни пайтда улар авангард ҳамда шарқ мумтоз миниатюра санъатини ўзида мужассам этган. К.Бобоевнинг ушбу кўргазмада намойиш этилаётган рангтасвир, фотоколлаж, ҳайкалтарошлик асарлари бунинг ёрқин далилидир.

ЎзА.

ГАЛЕРЕЯДА КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида томошабинларни юртимизнинг музейлари фондларидаги бебаҳо тасвирий санъат асарлари билан яқиндан таништириш яхши анъанага айланган.

Санъат кошонасининг бу галги меҳмони – Самарқанддаги Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи. Унинг хазинасида катта илмий ва бадиий аҳамиятга эга икки юз мингдан зиёд экспонат бор. Улар археология, тангашунослик, этнография коллекциялари, қўлёзмалар, тарихий ҳужжатлар, тасвирий санъат, китобот санъати, ҳайкалтарошлик намуналаридир.

«Номаълум қирралар» деб номланган мазкур кўргазмада Павел Беньков, Лев Бурэ, Рашид Темуров, Юсуф Елизаров, Зинаида Ковалевская, Оганес Татевосян каби таниқли мусаввирларнинг юзга яқин асари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилган.

ЎзА.

Об-ҳаво

Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар беришича, 10 сентябрь куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 11-16, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

«NEOGALENAPHARM» ҚК МЧЖга тегишли бурчак штампи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон миллий университети томонидан Юсупова Дильфуза Камаловна номига 1987 йил 4 июнда берилган ПВ 825900 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО «Осиёбон» Мирабадского района г. Ташкента (ОКПО 16556923) ЛИКВИДИРУЕТСЯ. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: ул. Шахрисабз, д. 36. Тел.: 133-32-61.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-844. Адади 2874. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 2 3 4 5 6